

УМАР ХАЙЁМ

УМР
ҚАРВОНИ

Рубойлар

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007

Бугунги кунда Умар Хайём номини билмаган шеърят мухлиси топилмаса керак.

Буюк рубоийнавис шу жанрда ижод этиб, Шарқ шеърятада фалсафийликнинг чуқурлашувига катта ҳисса қўшган.

Умар Хайём рубоийларининг машхурлигини жаҳоннинг кўплаб тилларида ҳамон жаранглаб келаётганидан ва қайта-қайта чоп қилинаётганидан ҳам билса бўлади. Ўйлаймизки, бу янги нашримиз ҳам севимли китобларингиз каторидан ўрин олади.

Форсийдан
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ
таржимаси

ISBN 978-9943-08-203-8

© Умар Хайём. «Умр карвони». «Янги аср авлоди», 2007 йил

Kitobxon.Com

УМАР ХАЙЁМ – РУБОИЙ УСТАСИ

XX асрнинг бошларига келиб улуғ шоир, ҳаким, файласуф ва мунажжим Умар Хайём рубоийлари нафақат шарқда, балки Европанинг Германия, Австрия, Англия, Франция, Венгрия каби тараққиётга эришган ўлкаларида жуда машҳур бўлиб кетди. Бунинг боиси XIX асрда яшаган инглиз шоири Э.Фицжеральд таржимасида 25 марта чоп этилган Умар Хайём рубоийлари бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, шоирга нисбат берилган минглаб рубоийлардан атиги 121 таси (айрим олимлар 56, бошқалари эса 85 деб кўрсатадилар) Умар Хайём қаламига мансуб. Натижада ғарб мусташириқлари орасида Умар Хайём рубоийларида муаллифлик масаласи доим мунозаралар марказида бўлиб келди. Профессор Фитрат бу мавзуда дастлаб мақола тайёрлаб, «Қизил қалам» мажмуасида, сўнгра «Форс шоири Умар Хайём» рисоласини нашр этган. Бу ўринда Фитрат домла Имом Заҳириддин Абул Ҳасан Байҳақийнинг «Татимату-с-савон ал-ҳикма» («Ҳикматли воқеаларнинг давоми», 1198) китобига

таянган. Маълум бўлишича, китобча Абу Салим Муҳаммад ибн Баҳром Сажзийнинг «Савон ал-ҳикма» асарини тўлдириш учун ёзилган. Бу асарнинг ёзилишидан мақсад, биринчидан, хайёмшуносликни нотўғри тасаввурлардан сақлаб қолиш ҳамда ўзининг айрим нотўғри талқинларга «шерик» бўлиб қолмаслигини таъминлаш, иккинчидан, илм аҳлини янги топилган манбадан хабардор этишдан иборат.

Умар Хайём ҳақида маълумот берган манбалар уни турли хил тавсифлар билан тавсия этадилар. Масалан, «Тухфату-ш-шомия» муаллифи Хайёмни бир ҳайъат олими, Низомий Арузий бир мунажжим, Шайх Нажмиддин Розий эса, «Мирсоду-л-ибод» китобида бир даҳрий файласуф деб кўрсатган. Давлатшоҳ Самарқандий ҳам «бир ҳаким ва мунажжимлик сифати» билан тилга олиб, унинг шоирлигидан гапирмаган. «Нусхату-л-арвоҳ» китобида салжуқий ҳукмдорларидан Султон Санжар болаликда касал бўлган ва Умар Хайём табobati билан шифо топгани айтилган. Фитрат талқинидаги олим «подшоҳлар ёнида сўнг даражада ҳурматли бўлиб турганидан унинг дўстлари билан душманлари бир оғиздан хабар бердилар». Айниқса, Султон Маликшоҳнинг яқин надини, тақвимни ислоҳ қилган, «Тақвими Жалолий» номли янги тақвим тузгани маълум. Ҳатто унинг бир расадхона қурдиргани ва Маликшоҳ даврида бу расадхона ишга туширилиб, осмон жисмларини ўрганувчи марказга айлангани ҳам аниқланган.

Умар Хайём ҳаётига бағишланган Я.Илёсовнинг қиссаси ҳам «Сармаст мунажжим» рукни билан бошланган. Фитрат бўлса, юқоридагича муносабатларга нисбатан: «Хайём сарой табиби бўлган, замонининг олими, ҳайъатшуноси, файласуфи, риёзийси бўлган. Тақвимни энг тўғри ислоҳ қилган, илмий ҳайъатда жуда катта нуфуз ва фаолият билан иштирок этган. Хукмдорларнинг иш соатларини белгиловчи мунажжим саналган. Бундай бир одамнинг доимий мастлик (майпарастлик) билан машғул бўлиб қолиши ҳақиқатдан албатта узоқдир»¹, деб ёзган эди.

Бироқ олимнинг май-шароб билан ошно бўлгани ва унинг беназир куйчисига айланганини қандай тушуниш керак? Бу саволга эса Умар Хайёмни ўраб турган сарой муҳитининг таҳлили орқали жавоб берган: «Салжуқий саройида мунажжим, табиб ҳам надим сифатлари билан турган Хайёмнинг шул хусусий базмларда, май-маъшуқа кечаларида ҳеч қолмасдан иштирок қилганига ҳеч шубҳамиз йўқ. Ва Хайём рубойларидан кўпининг шул кечаларда айтилганини қабул қилишга ҳеч моневъ йўқ... Умар Хайёмнинг шеъри саройдаги хизматларнинг ташвиқот қисмини (яъни қасидачилик) эмас, кайф-сафо кечаларини, май-маъшуқ мажлисларини идора қилишни

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000. –Б.134-172.

Изоҳ: бундан кейинги қўштирноқ ичидаги матнлар ҳам Абдурауф Фитратнинг мазкур асаридан олинган (ред).

ўз устига олган. Ва шу йўлда форс адабиётида унутилмас, ўлмас бадиалар яратган... Хайём саройдаги базм кечаларидагина ичган. Доимий сархуш, майпа-раст бўлмаган».

Иккинчи бир тоифа олимлар Хайёмни мутасав-виф билиб, унинг шеърларидаги «май», «базм», «қадаҳ» сўзларини тасаввуф нуқтаи назаридан изоҳ-ламоқчи бўлганлар. Бундай тахминчилар Европада ҳам, шарқ олимлари орасида ҳам учрайди. Фитратнинг назарида, «Хайёмни сўфий гумон қилиб, унинг майини «худонинг ишқи» деб изоҳ қилиши эса, биринчи фикрдан ҳам узоқроқ, янглишроқдир. Хайёмнинг рубойлари орасида шундайлари борки, тасаввуф асосларини улар билан келиштиришнинг имкони йўқ». Хайёмнинг ҳаёт йўлидан хабар берган манбалар ҳам унинг тасаввуфдан йироқ эканини кўрсатган.

Умар Хайёмнинг яна бир тоифа мухлислари бўлиб, «уни ўзининг муҳитидан, яшаган жамиятининг ҳар турли таъсирларидан юқори турган бир доҳий деб биладилар. Уни милодий XI асрдаги шарқ жамиятларининг кишиси эмас, XX аср Европа жамиятларининг одами каби қабул қиладилар». Бундай қараш кўпроқ Европа олимларида кузатилиб, буни ҳам Фитрат инкор қилади: «Учинчи даъво, яъни Хайёмни (у) яшаган жамиятнинг ҳар турли таъсиридан озод, ўз жамиятидан таъсирланишдан жудаям юқорида турган, бир мустасно одам қилиб кўрса-тиш ҳам тўғри эмас. Жамиятдан, муҳитдан бир тур-

ли таъсирланмаган адибнинг, бир адабиётнинг бўлуши мумкин эмас. Бизнинг фикримизча ҳам Хайём доҳийдир, бироқ санъат доҳийсидир. Унинг катта ҳунари (ўзи) яшаган жамиятнинг, мансуб бўлган синфнинг, сарой доирасида яшаганларнинг талабларини санъатнинг энг юқори даражасига олиб чиққан бир усталик билан майдонга қўйишидан иборатдир». Фитрат ҳар уч хил хато қараш тарафдорларига ўз муносабатини англатар экан, «шу уч турли қимматда ҳам бир турли ифрот-тафрит борлиги аниқдир» деб, бундай ифротларга, яъни енгил талқинларга берилмаслик учун Умар Хайём даврига чуқуроқ назар ташлашни ва у даврнинг акси бўлган шеърларини изчилроқ ўрганишни уқтиради. Бироқ Фитрат назарда тутган чуқурлик турли хил маънавий сифатларнинг қоришиқ йиғиндиси эмас, балки унинг ўзлигидан, ўз давридан ажралмаган ҳолда борича талқин этиш орқали эришиш мумкин бўлган илмий аниқликдир.

«Хайём шоирликни асосий касб қилиб олмаган, саройда ўз мавқеини таъмин қилиш учун шеърга унинг эҳтиёжи бўлмаган. Бу мақсадга эришмоқ учун унинг қўлида шеърдан муҳимроқ танилган табиблик, мунажжимлик санъатлари бўлган. У шулар билан ўз мавқеини керагича таъмин эта олган. Рубоийларини эса подшоҳларга базмдошлик нуқтаи назаридан ёзган». Фитрат рисоласида бу каби масалани аниқ ҳал этишга эришилган нуқталардан бири форс тазкира-

чиларининг Умар Хайёмга муносабати масаласидир. Чунки юқорида кўрганимиздек, Низомий Арузий Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар буюк файласуф, олим, мунажжим, ҳаким деб тақдим қилганлари ҳолда унинг шоирлигидан гапирмаган эдилар. Бунинг сабабини Фитрат тушунтириб айтадики, «Хайёмни шарқ тазкирачилари кўбрак шоирлар қаторига киргизмак истамаганлар. Буни юқорида кўрган эдик. Бунинг сабаби Хайёмнинг рубоийдан бошқа шаклда шеър ёзмагани, рубоийни жуда оз ёзгани бўлса керак. Биз шарқ тазкирачиларининг бу ишларига қарамасдан шарқ шоирлари орасида жуда юқори бир ўрин олганини қабул қиламиз. Хайёмнинг рубоийларида бўлган ифода очиқлиги, услуб гўзаллиги, фикр ўткурлигини уни бошқа шарқ шоирларидан юқорига чиқарадир».

Умар Хайём рубоийларининг таржимонлари Э.Фицжеральд, Х.Пургшгал, Герсен де Тасси ва бошқалар «асл рубоийлар»ни топиш ва тиклаш ишига кўпроқ қизиққанлар. Ўзбек олими ва таржимони Ш.Шомухамедовнинг қайдига кўра, «охирги йилларда икки муҳим кўлёманинг топилиши бу чалкаш масалани бир қадар ойдинлаштирди. Улардан бири 1207 йили кўчирилган бўлиб, 1946 йили Эронда бир кишининг шахсий кутубхонасидан топилган». Иккинчи кўлёмани А.Арберри топиб, бу рубоийларнинг насрий таржимаси билан 1949 йилда нашр этган. Кўлёмма 1259 йилга тегишли бўлиб, унда

172 рубой бор. Профессор Ш.Шомухамедов мат-нунос олим сифатида Умар Хайём рубойларини тадқиқ этиб қолмай, бир неча ўн йиллар ўзбек китобхонларини Хайём рубойлари билан таъминлаган эди. Умар Хайём форсий рубойларининг бошқа тиллардаги таржималари билан солиштирганда ҳам Ш.Шомухамедов таржималари мазмунан Хайём рубойларига яқинлиги билан ажралиб туради.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

* * *

Кимсани ранжитма, рашжитма ҳайҳот,
Ғазабинг бировга сочмагил, эй зот.
Ўзинг ранж чеку ҳеч кимни ранжитма,
Роҳат десанг агар ўзинг ғамга бот.

* * *

Жаҳон хулосаси бўлган инсонлар,
Фалакнинг авжида от сурган онлар,
Зотини билишда худди осмондек,
Эгилгану сарсон ҳам саргардонлар.

* * *

Кекса, ёш – ҳаётга ҳар кимки етар –
Ҳаммаси изма-из, бирма-бир ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/1751>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1751>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1751>